

Johnson Controls, Inc. ва унинг филиаллари ва шўъба корхоналари (кейинги ўринларда барчаси умумий қилиниб Johnson Controls деб юритилади) шахсий маълумотларингизнинг сир тутилишига алоҳида эътибор қаратади ва уларга ишлов беришда ахборотдан виждонан фойдаланиш тамойилларига ва маълумотларни сир тутишга оид тегишли қонунларга собитқадамлик билан амал қилади

Ахборотларни сир тутишга содиқлигимизнинг белгиси сифатида Мажбурий Корпоратив Қоидалар ("МКҚ") мажмуини қабул қилганмиз. Буларга глобал миқёсда сир тутиш мажбуриятларимиз, жумладан, шахсий маълумотларни ва уларга боғлиқ алоҳида ҳуқуқларни кўчириш тартиб-қоидаси киради. Бундан мақсад, дунё бўйлаб ҳар қайси филиалимиз томонидан ишлов берилган шахсий маълумотларингиз сир тутилишини кафолатлашдир. Бу МКҚлар Европа Маълумотларни Сир Тутиш Маҳкамалари томонидан маъқулланган. МКҚларимиз билан Сир тутиш бош саҳифасида танишишингиз мумкин.

Ушбу Johnson Controls сир тутиш хабарномаси қуйидаги мавзуларни қамрайди:

- [Ушбу сир тутиш хабарномасининг қўлланилиш соҳаси](#)
- [Қай турдаги шахсий маълумотларни тўплашимиз мумкин](#)
- [Шахсий маълумотлардан қандай фойдаланамиз](#)
- [Мижозларимиз номидан ишлов бериладиган шахсий маълумотларни қандай ҳимоялаймиз](#)
- [Веб-сайтларимизда сир тутишни қандай бошқарамиз](#)
 - Куки, фойдаланиш маълумотлари ва шунга ўхшаш воситалар
 - Уланган сайтлар
 - Болалар
- [Шахсий маълумотларни ҳимоялаш учун хавфсизлик чоралари](#)
- [Шахсий маълумотларни учинчи томон билан баҳам кўриш](#)
- [Шахсий маълумотларни халқаро миқёсда кўчириш](#)
- [Шахсий маълумотларингизни кўриб чиқиш ва янгилаш](#)
- [Розилик ва воз кечиш танловлари](#)
- [Маълумотларни сақлаш](#)
- [Johnson Controls масъул шахси қандай аниқланади](#)
- [Биз билан боғланиш](#)
- [Сир тутиш хабарномасига ўзгариш киритиш](#)
- [Айрим мамлакатлар учун махсус илова](#)

Ушбу сир тутиш хабарномасининг қўлланилиш соҳаси

Ушбу сир тутиш хабарномаси биз фаолият юритадиган турли ҳудудларда шахсий маълумотларни қай тарзда тўплашимиз ва фойдаланишимизга аниқлик киритади. Шахсий маълумот бу танилган ёки таниса бўладиган шахсга боғлиқ бўлган барча маълумотлардир.

Бизнес фаолиятимизда биз шахсий маълумотларни интернетда ёки ундан ташқарида турли усуллар билан тўплаймиз. Бунга қуйидагилар киради, масалан, маҳсулот ёки хизмат сотиб олсангиз ёки буюртма берсангиз, биз билан келишув тузсангиз ёки алоқага чиқсангиз, веб-сайтларимизга ташриф буюрсангиз ва улардан фойдалансангиз. Бундан ташқари, мижозларимиз номидан хизмат кўрсатиш мақсадида улардан ҳам шахсий маълумотлар оламиз.

Қайси шахсий маълумотларни тўплашимиз мумкин

Биз тўплайдиган шахсий маълумотларга қуйидагилар кириши мумкин:

- Сиз билан боғланиш учун **контакт маълумотлари**, жумладан, исмингиз, касбингиз, ёш, жинс, фойдаланувчи номи, почта манзили, телефон рақамлари, э-почта манзили ёки сизга хабар юборишга бошқа манзилларингиз, веб-сайтларимизда сиз киритган компания ва регистрация маълумотлари.
- Сиз билан ишлаш учун **ҳамкорлик маълумотлари**, жумладан, сизни қизиқтирадиган маҳсулот ва хизмат турлари, боғланиш ва маҳсулот танловларингиз, тил, молиявий имконият, маркетинг танловларингиз ва демографик маълумотлар.
- Биз билан ишлашингизга оид **олди-берди маълумоти**, жумладан, харидлар, сўровларингиз, мижоз ҳисоби маълумотлари, буюртма ва боғланиш маълумоти, етказиб бериш тафсилотлари, ҳисоб-китоб ва молиявий маълумотлар, солиқ, ўтказма ва ёзишмалар тарихи ҳамда бизнинг веб-сайтларимиздан қандай фойдаланганингизга оид маълумотлар.
- Манфаатларимизни ҳимоялаш учун **хавфсизлик ва мувофиқлик маълумотлари**, жумладан, зиддиятларни текшириш, фирибгарликнинг олдини олиш ва ички текширувлар учун маълумотлар ҳамда биноларимиз хавфсизлиги учун зарурий маълумотлар, масалан, видео ёзувлар.

Шахсий маълумотлардан қандай фойдаланамиз

Биз одатдаги бизнес фаолиятимизда шахсий маълумотлардан фойдаланамиз, бундан мақсад эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Маҳсулот ёки хизматга берган буюртмаларингизни бажариш ва шунга боғлиқ фаолиятлар, жумладан, маҳсулот ва хизматни етказиб бериш, мижозга хизмат кўрсатиш, ҳисоб-китобни юритиш, харидга боғлиқ тренинг ҳамда бошқа хизматлар тақдим қилиш.
- Шартномадаги мажбуриятларимизни ва ўзаро муносабатларимизни бошқариш, жумладан, сиз билан ишлаш, маҳсулот ва хизматлар ҳақида, қолаверса, махсус таклифлар ва тарғибот ишлари ҳақида сизга хабар бериш.
- Веб-сайтларимиз, тармоқ ва тизимлар, биноларимиз хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ўзимизни фирибгарликдан ҳимоя қилиш.

- Ҳар кунги фаолиятга оид эҳтиёжларимизни бошқариш, жумладан, ҳисоб-китоб ва молиявий ҳисоботлар, янги маҳсулот ишлаб чиқиш, веб-сайт маъмурлиги, мажбуриятларни бажариш, корпоратив бошқарув, аудит, шикоятлар ва қонунларга риоя қилиш.

Мижозларимиз номидан ишлов бериладиган шахсий маълумотларни қандай ҳимоялаймиз

Айрим ҳолларда, миждозларимиз номидан шахсий маълумотларга ишлов бериш хизматини кўрсатамиз (маълумотга ишлов берувчи сифатида). Бу шахсий маълумотларни фақат миждозимиз кўрсатмаси бўйича йиғиб, ишлов берамиз. Ундан ўз мақсадимиз йўлида фойдаланмаймиз ёки ошкор қилмаймиз.

Маълумотларни ҳимоялаш мақсадида биз хавфсизлик воситаларидан фойдаланамиз ва фақатгина миждоз кўрсатмасига биноан ёки сўралган хизматни тақдим этиш мақсадида шахсий маълумотларни ошкор қиламиз ёки топшираамиз. Миждоз бошқача кўрсатма бермаган ҳолларда, биз миждоз номидан ишлов берадиган шахсий маълумотларга ушбу хабарномада белгиланган ошкор қилиш ва кўчириш шартларига риоя қилган ҳолда муносабатда бўлаамиз.

Веб-сайтларимизда сир тутишга қай тарзда амал қилинади

Куки, фойдаланиш маълумотлари ва шунга ўхшаш воситалар

Сайтларимизга ташриф буюргангизда автоматик тарзда, куки, пикселли тег, браузер таҳлили асбоблари, сервер логлари ва веб-маёқлар каби технологиялар ёрдамида муайян маълумотларни йиғамиз. Аксарият ҳолларда куки ва бошқа воситалар орқали йиғилган маълумотларда шахсий маълумот бўлмайди, улар ёрдамида биронта шахсни аниқлаб бўлмайди.

Кукилар бу кичик матнли файллар бўлиб, сиз биронта сайтга ташриф буюргангизда браузер уни компьютер ёки бошқа қурилмангизнинг дискига сақлайди. Веб-сайтда рўйхатдан ўтишингизни осонлаштириш ва хос созламаларни бириктириш ҳамда веб-сайтларимиз самарадорлигини ошириш учун "куки"лардан фойдаланишимиз мумкин. Кукилар самарадорликни бошқариш ва таҳлил қилиш мақсадида веб-сайтларимиздан қай тарзда фойдаланилаётганига оид маълумот йиғишда ишлатилиши мумкин. Бундан ташқари тил созламалари, пароллар ва тизимга кириш маълумотларини эслаб қолиш орқали фойдаланувчининг ташрифини унумли қиладиган функцияларни бошқаришда ҳам улардан фойдаланиш мумкин.

Кукилар икки хилда бўлади: сессия кукилари, улар веб-сайтдан кетганингиздан кейин қурилмадан ўчириб ташланади; доимий кукилар, улар узоқроқ вақтга ёки ўчириб ташлангунича қолади.

Онлайн тажрибангизни ўзингизга мослаш ва бойитиш мақсадида Флэш кукилар (локал сақланган объектлар деб ҳам аталади) ва шунга ўхшаш технологияларни ҳам ишлатишимиз мумкин. Adobe Flash Player дастури видеоролик ва анимация каби динамик контентни тезда яратиш имконини беради. Флэш кукилардан хавфсизлик мақсадларида ва браузер кукилари сингари созламаларни эслаб қолиш учун фойдаланамиз, лекин улар

браузер кукиларига қараганда бошқача интерфейс орқали бошқарилади. Флэш кукиларни бошқариш учун Adobe веб-сайтнинг <http://kb2.adobe.com/cps/526/52697ee8.html> саҳифасига ёки www.adobe.com сайтга боринг. Флэш куки ва шунга ўхшаш технологиялардан ахлоққа асосланган мақсадларда ёки қизиқишларга асосланган реклама кўрсатишда фойдаланамиз.

Сервер логлари ҳам фойдаланувчи веб-сайтдан қандай фойдалангани ҳақида маълумот йиғади (фойдаланиш маълумоти). Бу маълумотга фойдаланувчи домени, тил, браузер ва операцион тизим, интернет провайдери, IP манзили, веб-сайтга йўналтирган сайт, бизнинг сайтдан олдин ва ундан кейин борган сайтларингиз ва веб-сайтда ўтказган вақтингиз кириши мумкин. Биз фойдаланиш маълумотини веб-сайтнинг самарадорлиги ва фаоллигини ўлчаш, дизайни ва функцияларини яхшилаш ёки хавфсизлик мақсадларида назорат қилишимиз ва ишлатишимиз мумкин.

Веб-сайтда пикселли теглар ва веб-маёқлардан ҳам фойдаланишимиз мумкин. Бу майда график файллар веб-саҳифалар ёки хатларимизга қўйилиб, сиз муайян бир амални бажарган-бажармаганингизни аниқлаш имконини беради. Бу сайтларга кирганингизда ёки хатни очганингизда пикселли теглар ва веб-маёқлар шу амални қайд қилиб қўяди. Бу воситалар мурожаатларимизга жавобларни баҳолаш ва веб-сайт ҳамда тарғибот ишларимизни яхшилаш имконини беради.

Браузер созламаларида куки файли олинганини билдириш ёки уни тўсиш, ўчириш ёки веб-сайтимишни аноним тарзда кезишни белгилаб қўйишингиз мумкин. Браузер созламаларини қандай ўзгартириш ҳақида браузер қўлланмасидан ёки ёрдам ойнасидан ўқинг. Қурилмангизда маълумот сақлайдиган куки ёки шунга ўхшаш технологияларни ишлатишга рози бўлмасангиз, браузер созламаларини тегишли тарзда ўзгартириш керак. Куки ёки шу каби технологияларни қабул қилмасангиз, баъзи веб-сайтларимиз тўғри ишламаслиги мумкинлигини тушунишингиз лозим.

Қонун томонидан талаб этилган ҳолларда, айрим куки ва шу каби технологияларни компьютер ёки бошқа қурилмангизда ишлатиш ёки ўрнатишдан аввал сиздан рухсат сўралади.

Маълумотларни баҳам кўриш ва браузерлардаги Кузатилмасин сўровлари

Веб-сайтимишга ташриф буюрувчиларни кузатмаймиз ва бошқаларга ҳам рухсат бермаймиз, шу сабабли браузернинг Кузатилмасин деган сигналинини эътиборга олмаймиз. Браузернинг кузатиш сигналлари ва Кузатилмасин ҳақида кўпроқ билиш учун бу ерга боринг: <http://www.allaboutdnt.org/>

Уланган сайтлар

Веб-сайтларимизда учинчи томон сайтларига (“уланган сайтлар”) ҳаволалар қўйишимиз мумкин. Уланган сайтларни биз кўриб чиқмаймиз, назорат қилмаймиз ёки текширмаймиз. Уланган сайтларнинг ҳар бирида ўз фойдаланиш шартлари ва сир тутиш хабарномаси бўлиши мумкин. Фойдаланувчилар уланган сайтларни ишлатаётганида бундай шартлар билан таниш бўлиши ва уларга риоя этиши лозим.

Уланган сайтлар ёки улардаги қўшимча ҳаволалардаги тартиб-қоида ёки амаллар учун биз жавобгар бўлмаймиз. Бу ҳаволалар бизнинг уланган сайтларни ёки ҳар қандай компания ёки хизматларни маъқуллашимизни билдирмайди. Фойдаланувчилар уланган сайтлардан фойдаланишдан аввал уларнинг шартлари ва хабарномаларини ўқишларини тавсия этамиз.

Болалар

Бизнинг сайтларимиз болалар учун мўлжалланмаган. Сайтларимизда болалардан шахсий маълумотлар сўралмайди ёки уларга тарғиб қилинмайди. Сайтларимиздан бирида ёш бола шахсий маълумот қолдирганини билсак, ўша маълумотни тизимларимиздан ўчириб ташлаймиз.

Шахсий маълумотларни ҳимоялаш учун хавфсизлик чоралари

Шахсий маълумотларнинг тасодифан ёки ноқонуний тарзда бузилиши, йўқолиши, ўзгариши, рухсатсиз ошкор этиш ёки кириш, айниқса тармоқда кўчирилган пайтида, ҳамда бошқа ҳар қандай ноқонуний ишлов бериш йўлларида ҳимоялаш мақсадида биз тегишли техник, жисмоний ёки ташкилий чоралар кўрамиз. Шахсий маълумотларга фақат рухсат этилган шахслар иш юзасидан кириши мумкин. Биз маълумотларга ишлов бериш билан боғлиқ хатарга мос равишда кенг қўламли маълумот хавфсизлиги дастурини қўллаيمиз. Бу дастур соҳадаги стандарт чораларни ҳисобга олган ҳолда, фаолият хатарларини енгиллаштириш ва маълумотлар ҳимоясини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда мослаштириб борилади. Биз ҳар қандай нозик шахсий маълумотлар билан ишлаётганда кучайтирилган хавфсизлик чораларини қўллаимиз.

Шахсий маълумотларни учинчи томонга бериш

Бизнинг номимиздан хизмат кўрсатиш учун учинчи томонни ёллашимиз мумкин. Бу хизматларни кўрсатиш учун керак бўлганида, шахсий маълумотларни шу учинчи томонга очишимиз мумкин. Шахсий маълумотлардан ҳар қандай тарздаги фойдаланиш фақатгина мақсадли тарзда амалга оширилади.

Шахсий маълумотларни қонунда белгиланган тартибда оммага ёки суд органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки ходимларига, шу жумладан, Америка Қўшма Штатларидаги ёки биз ишлайдиган бошқа мамлакатлардаги агентлик ва судларига ҳам беришимиз мумкин. Қонунга кўра, даъво қилиш, ишга солиш ёки уни ҳимоялаш, ҳуқуқларимиздан фойдаланиш, мулк ёки ҳуқуқларимизни ҳимоялаш, бошқаларнинг мулки ёки хавфсизлигини ҳимоялаш, ташқи аудитга ёрдам бериш ва корпоратив бошқарув функцияларини қўллаб-қувватлаш учун шундай маълумотларни учинчи томонга (жумладан, ҳуқуқшуносга) ошкор қилишимиз мумкин.

Johnson Controls сотилса, бирлаштирилса, тугатилса, тарқатиб юборилса, унинг катта қисми ёки биронта фаолият тури сотилса ёки ўтказилса, Johnson Controls'нинг бутун ёки қисман мулкни олаётган томонга шахсий маълумотлар берилиши мумкин. Бундан ташқари, қонунга кўра, бундай маълумотларни гуруҳ ичидаги филиалларимиз билан ҳам баҳам кўришимиз мумкин.

Шахсий маълумотларни халқаро миқёсда кўчириш

Шахсий маълумотларингиз баҳам кўриладиган учинчи томонлар, бўлинма ёки филиалларимиз дунё бўйлаб жойлашган бўлиши мумкин; шу сабабли маълумотлар сир тутиш стандартлари сиз яшаётган мамлакатникидан бошқача бўлган мамлакатларга юборилиши мумкин. Бундай ҳолларда шахсий маълумотингиз тегишли тарзда ҳимояланиши учун зарур чораларни кўрамиз.

Европа Иқтисодий Ҳудуди (“ЕИХ”) ва Швейцарияда яшовчиларнинг шахсий маълумотлари АҚШдаги Johnson Controls компаниясига юборилганида тегишлича ҳимояланиши учун Johnson Controls Inc. (ва АҚШдаги филиалларимиз) АҚШ Тижорат Департаменти шахсий маълумотларни ЕИХ ва Швейцариядан АҚШга юборишга оид қабул қилган **Хавфсиз Бандаргоҳ (Safe Harbor) концепциясига** риоя қилади.

Кўпроқ маълумот учун Сир тутиш бош саҳифасидаги Johnson Controls, Inc. Хавфсиз Бандаргоҳ Сир тутиш хабарномасини ўқинг.

Бундан ташқари, биз Мажбурий Корпоратив Қоидалар (МКҚлар) қабул қилганмиз, у тегишли Маълумотларни Ҳимоялаш Маҳкамалари томонидан 2015 йил 6-январ санасида маъқулланган. МКҚлар ЕИХ ва Швейцария резидентларининг шахсий маълумотлари дунёдаги биронта филиалимизга юборилаётганида ҳимояланишини кафолатлайди.

Мажбурий Корпоратив Қоидалар ҳақида батафсил Сир тутиш бош саҳифасида танишиш мумкин.

Шахсий маълумотларингизни кўриб чиқиш ва янгилаш

Сиз Сир тутиш бўлимига қуйидаги ҳаволада боғланиш орқали, шахсий маълумотларингизга кириш, уларни тўғрилаш ёки янгилашни сўрашингиз мумкин: [JCI билан боғланиш шакли](#).

Розилик ва воз кечиш танловлари

Шахсий маълумотларни бизга тақдим этиш орқали, сиз бу маълумотларни Сир тутиш хабарномасида белгиланган тарзда тўплаш, ишлов бериш, дунё бўйлаб кўчириш ва ишлатилишини тушунасиз ва бунга розилик билдирасиз. Қонун талаб қилган жойларда сиздан рухсат сўраймиз.

Хатда кўрсатилган йўл-йўриқларни бажариб ёки қуйидаги ҳаволада Сир тутиш бўлимига боғланиб, тегишли ҳаволаларни босган ҳолда, бепул асосда, шахсий маълумотларингиздан маркетинг учун фойдаланишга қаршилик билдиришингиз ёки муайян мақсадда берилган рухсатларни бекор қилишингиз мумкин: [JCI билан боғланиш шакли](#).

Маълумотларни сақлаш

Шахсий маълумотларингизни ўз мақсадида ишлатилгунича сақлаб турамыз, одатда бу давр шартномада белгиланган ёки қонунан талаб этилган вақтгача давом этади.

Johnson Controls масъул шахси қандай аниқланади

Шахсий маълумотларингиз билан ишлашга масъул Johnson Controls ходимини аниқлаш учун Johnson Controls вакилидан сўранг. Манзилларимиз рўйхатини Johnson Controls веб-сайтларидан олинг ёки Сир тутиш бўлими билан боғланинг.

Биз билан боғланиш

Сир тутиш масаласида биз билан боғланмоқчи бўлсангиз ёки савол, мулоҳаза ёки шикоятингиз бўлса, қуйидаги ҳаволани босиш орқали Сир тутиш бўлими билан боғланинг: [JCI билан боғланиш шакли](#).

Сир тутиш хабарномасига ўзгариш киритиш

Бу Сир тутиш хабарномасини исталган вақтда ўзгартириш ва янгилаш ҳуқуқига эгамиз. Энг янги хабарнома билан танишиш учун вақти-вақти билан текшириб турунг. Ўзгаришлар аввал тўпланган маълумотлар билан ишлаш ёки уларни ошкор қилиш усулини ўзгартирса, сизнинг ҳисобингизга бириктирилган э-почтага хабар юбориш орқали сизни хабардор қиламиз.

Айрим мамлакатлар учун махсус илова

Айрим мамлакатлардаги қонунда белгиланган махсус маълумотни қўшиш орқали Сир тутиш хабарномасини кенгайтирдик. Бу қўшимча бандларни Сир тутиш бош саҳифасидаги маҳаллий қўшимчалар ҳаволаси орқали топишингиз мумкин.

Ушбу Сир тутиш баённомаси 2015 йил 28-январдан бошлаб кучга киради
--